2020 йил январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 22 (22), 2020 йил 25 февраль, сешанба

КИМЁ САНОАТИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни кимё саноатини ислоҳ қилиш бўйича истиқболли режалар ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда соҳани модернизация қилиш, молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Тармоқ корхоналарининг рентабеллигини кўтариш мақсадида бозор механизмлари жорий этилиб, нархни шакллантириш тартиби бутунлай қайта кўриб чиқилди. Натижада кимё тармоғи ўтган йилни 2018 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп фойда билан якунлади.

"Навоийазот" акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди. Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, "Навоийазот" акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводлари қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йил январь ойида парламентга йўллаган Мурожаатномасида ва Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида кимё соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳукумат олдига уни модернизация қилиш, илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш бўйича қатор вазифалар қўйган эди.

Бу бежиз эмас. Чунки мазкур тармоқда муаммолар, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Жумладан, юртимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлган, мураккаб таркибга эга бўлмаган кимё маҳсулотлари четдан олиб келинмоқда. Экспорт структураси диверсификация қилинмаган, бунда ҳанузгача минерал ўғитлар улуши жуда катта. Ишлатилаётган ускуналар 60 фоиз эскирган, энергия сарфи меъёрдан 2-3 баравар ортиқ.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия сарфини камайтириш ҳисобига таннархни пасайтириш бўйича топшириклар берилди. "Рақамли технологиялар"ни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавфли жараёнларда автоматлаштириш даражасини кўтариш муҳимлиги қайд этилди.

Кимё соҳасида янги йўналишларни ривожлантириш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, истеъмол товарлари, озиқ-овқат ва фармацевтика учун зарур хомашё ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

"Навоийазот" акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ишлаб чиқаришни тез муддатда лойиҳа қувватига олиб чиқиш ҳамда иккинчи босқичини лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

"Фарғонаазот" акциядорлик жамияти, Қўқон мочевина заводи ва Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида давлат улушини инвесторларга сотиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу мақсадда "Навоийазот" акциядорлик жамиятида бўш турган майдонлар негизида ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Маълумки, жорий йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниб, ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш белгилаб олинди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги муҳим йўналишлардан бири эса кимё соҳасидир.

Шу боис йиғилишда ушбу тармоқда таълим ва илм-фанни такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлаш жуда муҳимлиги таъкидланди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, бунинг учун тадқиқотларнинг соҳа корхоналари эҳтиёжига ҳамоҳанглигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот институти ташкил этиш, Тошкент кимё технология институтида мутахассисликлар ва ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ва соҳадаги истиқболли режалар юзасидан ахборот берди.

ЎзА



АВТОМОБИЛЬ ВА ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ: РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Автомобилсозлик пойдеворининг мустаҳкамлиги ҳам инновацион ғоялар, энг замонавий, ҳамёнбоп ва тежамли моделлар, уларни ички ва ташқи бозорда сота билиш маҳорати билан белгиланади. Шу маънода, ҳозир юртимизда амалга оширилаётган лойиҳалар, мўлжалдаги режалар моҳияти Ўзбекистон автомобилсозлигининг яқин истиқболига назар ташлаш имконини беради.

ЯНГИ ДАВР – ЯНГИ МАРРАЛАР

2018 йил 26 июнь санаси мамлакат автомобилсозлигида янги даврни бошлаб берди. Шу куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда автосаноатнинг бугунги аҳволи ҳар тарафлама танқидий таҳлил этилди. Мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутган тармоқнинг барча даражадаги бошқарувида коррупция, товламачилик, таниш-билишчилик каби иллатлар илдиз отган эди. Тизимда қарздорлик юзага келган, автомобиллар йиллар давомида ўз таннархидан паст қийматда экспортга чиқарилган.

Давоми 2-бетда

ЯПОНИЯ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ушбу давлатлар нафақат Осиё, балки бутун дунёда, айниқса, юксак технологиялар соҳасида етакчи ҳисобланиши, кенг инвестиция имкониятларига эга эканини таъкидлаш жоиз.

Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси ва мунтазам мулоқотлари туфайли Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган, ҳамкорликнинг турли йўналишларида яқин алоқалар йўлга қўйилган.

2019 йилда икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очган самарали ташрифлар амалга оширилди. Хусусан, 18-21 апрель кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин мамлакатимизда, 17-20 декабрь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияда ташриф билан бўлди. Учрашув ва музокаралар натижасида ҳукуматлараро ва идораларараро салмоқли ҳужжатлар имзоланди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувларга эришилди.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари изчил ошиб бораётгани таъкидланди. Ўтган йил якунларига кўра Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошди. Бугунги кунда юртимизда Кунчиқар мамлакат иштирокида ўттизга яқин корхона фаолият юритмоқда.

Эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Япониялик шериклар билан ҳамкорликда геология, кимё ва нефть-кимё, банк-молия, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда умумий қиймати 6,6 миллиард долларлик 48 та лойиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, "HIS" компанияси билан меҳмонхоналар қуриш, "Isuzu" ва "Itochu" билан "СамАвто" корхонаси ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан Навоий иссиқлик энергия станциясида энергия блоклари (Навоий-3) қуриш бўйича ва кўплаб бошқа лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Йиғилишда икки томонлама турли тадбирлар, жумладан, ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Корея Республикаси билан ҳам иқтисодий алоқалар салмоқли даражада ривожланмоқда. Хусусан, ўтган йил якунига кўра, икки томонлама савдо ҳажми 2018 йилгига нисбатан 27 фоизга, жумладан, экспорт 30,1 фоизга ошди. 2019 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Жанубий Корея сармоялари иштирокида 198 та корхона ташкил этилди, уларнинг умумий сони 800 дан ошди.

Кореялик шериклар билан биргаликда Тошкент шаҳрида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини қуриш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилаётгани таъкидланди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида "Tashkent Farma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини яратиш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, виварий, фармакопея марказини ўз ичига олган Фармацевтика техника университети ҳамда дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва техникасини ишлаб чиқариш учун саноат зонаси ташкил этишни назарда тутади.

Қишлоқ хўжалиги, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, кимё, текстиль, электротехника, фармацевтика, заргарлик саноати, таълим ва инновациялар ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) техник кўмаги билан 2019 йилда соғлиқни сақлаш ва стандартлаштириш бўйича умумий қиймати 13 миллион долларлик иккита грант лойиҳаси доирасида иш олиб борилди, яна 29,6 миллион долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2020-2022 йилларда умумий қиймати 72,2 миллион долларлик 10 та лойиҳа ўрганилмоқда.

Корея Республикаси Эксимбанки билан ҳамкорлик доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва биргаликда молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига 2 миллиард долларлик ресурслар жалб қилинди ҳамда 14 та стратегик муҳим лойиҳа амалга оширилди. Умумий қиймати 608 миллион долларлик 6 та лойиҳа устида иш бошланди.

Мухтасар айтганда, Япония ва Жанубий Корея билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 40 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 4,1 миллиард долларга, экспорт ҳажмини эса 1,14 миллиард долларга ошириш назарда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев олий даражадаги ташрифлар якунида ишлаб чиқилган "йўл хариталари"да 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, аниқ вазифалар белгиланди.

ЎзА

ЖАМИЯТ – ИСЛОҲОТЛАР ТАШАББУСКОРИ

нодавлат нотижорат ташкилотлар бу ғоя рўёбида етакчи ўрин тутади

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятимизни модернизациялашнинг яқин истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб, "Жамият – ислоҳотлар ташаббускори" деган янги ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаётганини алоҳида қайд этди. Шунингдек, юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар қўламини кенгайтириш, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор вазифага айланиши зарурлигини таъкидлади.

Бу йўналишдаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳам фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди Насимжон Алимов билан суҳбатимиз ана шу муҳим ғоя ва ташаббусларни рўёбга чиқаришда ассоциация ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ишлар хусусида кечди.

Давоми 3-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим омили

Баҳор ҲИДИРОВА

Шу кунларда Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича ва келажак вазирлиги вакили Азиз Хмуд Ал-Амери юртимизда меҳмон бўлиб турибди. Унинг иштирокида Адлия вазирлигида "Умумий сифат бошқаруви: ҳукумат фаолиятини такомиллаштириш" мавзусида тренинг ўтказилди. Тадбирда мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мамлакатимиз бугун демократик янгиланишнинг мураккаб ва масъулиятли йўлидан қатъий илгарилаб бормоқда. Бу жараёнда "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", "Жамият — ислоҳотлар ташаббускори" деган эзгу ғоялар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаётгани жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бу йўналишда ўз ечимини кутаётган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат органларининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, бу борадаги илғор тажрибаларни миллий амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, бугунги кунда дунёнинг тараққий этган давлатларида бу йўналишда ўзига хос илғор тажрибалар тўпланган ва бу ютуқлар жамиятда очиқлик, адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, жамият фаровонлигини юксалтириш омили бўлаётир.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон ўз олдига 2030 йилга бориб дунёдаги энг етакчи 50 давлат орасидан жой олишни мақсад қилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 25 февраль, 22-сон

АВТОМОБИЛЬ ВА ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ: РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

"GM Uzbekistan" йилига 300 минг дона енгил машина ишлаб чиқариш қувватига эга бўлгани ҳолда 2016 йили бор-йўғи 88,2 минг, 2017 йилда 135,5 мингта автомобиль ишлаб чиқарган. Эспорт ҳажми ҳам шунга яраша тушиб кетган.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда автомобилсозликда маҳсулот таннархини камайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотиш тизимини такомиллаштириш, импортни қисқартириш бўйича топшириқлар берди. Бошқарув раҳбарлари алмаштирилди, тизимни замонавийлаштириш, иллатларга барҳам бериш, соҳадаги аҳволни тубдан яхшилашга қаратилган аниқ чоралар кўрилди.

Тадбирлар самараси узоқ куттирмади. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, 2018 йилда аввалги йилга нисбатан енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 41,8 фоизга, ўтган йили эса, 23,2 фоизга ортди ва 271 113 донани ташкил этди. Экспортдаги ўсиш 280 фоизга етди.

Ушбу ижобий жараёнга катта йўл бошидаги марра сифатида қараш керак. Чунки мамлакатимиз раҳбарининг ўтган йили 8 июль куни ўтказган йиғилишида ва 18 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида 2023 йилга қадар енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донага, маҳаллийлаштиришни ўртача 60 фоизга, юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқаришни 10 000 тага етказиш, экспорт кўрсаткичини ҳам янада ошириш вазифаси юкланган.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти белгиланган бу марранинг асосий кўрсаткичига, яъни енгил автомобиллар тайёрлашни 2020 йилдаёқ 350 минг донага етказишни мўлжалламоқда. Жамиятнинг стратегик режалаштириш бошқармаси бошлиғи Рустам Қодировнинг қайд этишича, бунинг учун ҳамма асос бор. "UzAuto Motors"нинг ягона платформа усулида ишлаши, яъни унда бир неча маркадаги автомобилларнинг бир йўла йиғилиши ана шундай имкониятни яратади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши таннархни 15–20 фоизга камайтиради. "Spark", "Nexia", "Cobalt" ва "Gentra" автомобилларини ишлаб чиқариш аста-секин тўхатилиб, улар ўрнига янги моделлар, жумладан, "Chevrolet Onix" ишлаб чиқарилади. "Ўзавтосаноат" АЖ бошқарма бошлиғининг таъкидлашича, янги моделларнинг баъзилари электромобиль бўлади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, 2018 йилда аввалги йилга нисбатан енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 41,8 фоизга, ўтган йили эса, 23,2 фоизга ортди ва 271 113 донани ташкил этди. Экспортдаги ўсиш 280 фоизга етди.

ҚАЧОН ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ?

Бу саволга ҳозирча, яқин истиқболда, деб жавоб бериш мумкин. Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларидаги хабарлар ҳам шундан далолат бермоқда. Президентимизга 2019 йилнинг 14 сентябрь куни "Қўқон" эркин иқтисодий зонасидаги "Шаффоф омадли саноат" қўшма корхонасида тайёрланиши мўлжалланаётган электромобиллар ҳақида маълумот берилди. Бу ерда мазкур лойиҳани хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2021 йилда амалга ошириш учун 30 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция йўналтирилиши режалаштирилган.

Хонобод шаҳрида шундай корхонани ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг "2019-2022 йилларда Андижон вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланган. Уни ҳам ишга тушириш муддати — 2021 йил.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бу борадаги лойиҳалар устида изланиш олиб борилмоқда. Олим-мутахассисларимиз, тадбиркорларимиз ташаббуси билан электромобиллар ихтиро қилинаётгани, йиғилаётгани хусусидаги хабарлар соҳанинг эртанги кунига умидворлик уйғотади.

Кейинги пайтда электромобиллар ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир масалалар ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топа бошлади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 июндаги қарорига кўра, импорт қилинадиган электр транспорт воситалари учун акциз солиғи ва божхона божи тўлаш бекор қилинган.

Президентнинг муҳокамага қўйилган "Ўзбекистонда туризм хизматларини диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳасида баён қилинишича, хизмат кўрсатиш, жамоат ҳамда бизнес объектлари, жумладан, автомобиллар тўхташ жойларининг камида 5 фоизи электромобиллар учун ажратилиши ва у жой зарядлаш ускуналари билан таъминланиши, уларнинг умумий қуввати камида 11 kW бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 4 октябрдаги қарорида электромобилсозликни йўлга қўйишга "яшил" иқтисодиётнинг бир жиҳати сифатида эътибор қаратилган. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири соҳа истиқболи учун ҳозирдан шарт-шароитлар яратилаётганидан далолат беради.

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Инсоният XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига қадам қўйяпти. Бутун дунё рақамли иқтисодиёт бошқарадиган янги саноат инқилоби остонасида турибди. Қизиғи шундаки, электромобиль жаҳондаги дастлабки транспорт воситаси сифатида иккинчи индустриал инқилоб пайтида (XIX аср охири — XX аср боши) кириб келган. Замонамизнинг дастлабки электромобили 1992 йилда йўлга чиққан.

Ажабланарли томони, электромобиль ҳар доим учқур ва кучли ҳисобланади. Унинг қувват самарадорлиги коэффициенти 88-95 фоизни ташкил этгани ҳолда ички ёниш двигателиники атиги 22-42 фоизга тенг.

Иқтисодий жиҳатдан олганда, тежамкорлик қарийб 2,5 баробар юқори. Транспорт воситаларининг 20 фоизга яқини ҳозирги кунда электродвигателли экани инобатга олинса, бу йилига ўртача 75 миллион тонна нефть ёнилғиси иқтисод қилинганини кўрсатади.

Электромобилсозлик ривожига энг катта таъсир кўрсатаётган омиллардан бири — бу унинг экологик тозалиги ва шовқинсиз ҳаракати. Мамлакатимиз миқёсида атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши бўйича транспорт воситаларининг улуши 60 фоизни, Тошкентда эса, бу миқдор 90 фоиздан ортиқни ташкил қилади. Демак, бизнинг кўчаларда ҳам электромобиллар кўпайгани сайин ҳавонинг ифлосланиш даражаси камайиб бораверади.

"Bloomberg New Energy Finance"нинг тадқиқотларига кўра, 2019 йилда экологик тоза машиналар сони дунё бўйича 23-48 фоизга ортиб, 2,4-2,9 миллион дона атрофида ишлаб чиқарилган. 2025 йилга бориб эса уларнинг йиллик сотув ҳажми 25 миллионтага етиши кутиляпти. 2040 йилга бориб, ҳар учта автомобилдан бири электрлашган бўлади.

Ўзбекистонда электромобиль ишлаб чиқариш эндигина шаклланиш босқичига кирмоқда. Бунинг сабабини мутахассислар бутун дунёдаги каби янги турдаги автомобиль баҳосининг юқорилиги ва инфратузилманинг ривожланмагани билан изоҳлайди. Ҳақиқатан, ҳозирча мамлакатимизда бирор-бир махсус электр қувватловчи станция йўқ, фақат Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан келтирилган электромобиллар Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хивада сайёҳларга хизмат кўрсатяпти.

Ўзбекистон ўз олдига 2030 йилга бориб дунёдаги энг етакчи 50 давлат орасидан жой олишни мақсад қилган. Жаҳон тажрибаси бу мақсадга бошқа устувор йўналишлар сингари электромобиль саноатини ривожлантириш, ёнилғи ва хомашё ресурсларини тежаш, табиатни асраш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шу боис халқимизнинг ислоҳотлар жараёнининг янада шиддатлашуви ва чуқурлашувидан умиди ва ишончи катта. Электромобиль соҳасидаги ютуқлардан ҳам яқин истиқболда баҳраманд бўлишни истайди.

Дилрабо ЖУМАТОВА,
журналист

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказилган учрашувда "Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади", дея таъкидлаган эди.

Ҳоким ва ёшлар учрашувлари

Хоразм вилоятида мазкур учрашувдан келиб чиқадиган вазифалар аниқ белгиланиб, ҳар ҳафтада вилоят, шаҳар, туман ҳокимларининг ёшлар билан очиқ мулоқотлари ташкил этилмоқда. Жумладан, вилоят ҳокими Ф.Эрманов Ҳазорасп тумани ёшлари билан шундай учрашув ўтказди. Унда Боғот ва Хонқа туманларидан ҳам ёшлар, турли соҳа вакиллари иштирок этди.

Мазкур тадбирда вилоят ҳокими ёшларнинг фан сирларини чуқур ўрганиши, иқтидорини намоён қилиши учун яратилаётган имкониятлар ҳақида гапирди. 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга ошириладиган ишларга тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг ёшлар ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсиялари билан ўртоқлашди. Кўпгина ёшлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ниятида экани маълум бўлди.

Масалан, Урганч давлат университети талабаси Шаҳноза Қаландарова вилоятда "Юксалиш" волонтёрлик фаолиятини ташкил этиш таклифини билдирди.

— Волонтёрлик ёшларнинг иқтидорини янада ривожлантиришда, уларнинг фаоллигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади, — деди Шаҳноза Қаландарова. — Асосий мақсад юртимиз тараққиётига ёшлар кўпроқ амалий ҳисса қўшишига қаратилган.

Вилоят ҳокимининг ёшлар билан учрашуви Қўшкўпир туманида ҳам бўлиб ўтди. Учрашувнинг очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот тарзида ўтказилиши ўқувчилар, ёшларнинг ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини янада эркин баён этиши имконини яратди.

Тумандаги 2-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг мусиқа санъатига бўлган иқтидори бадиий чиқишларда намоён бўлди. 6-синф ўқувчиси Евгений Нам машҳур бастакор Людвиг ван Бетховен асарларидан бир нечтасини маҳорат билан ижро этди. Унинг ижросини қарсаклар билан олқишлашди. Вилоят ҳокими ёш истеъдод эгасига бадиий китоблар жамланмасини совға қилди.

Янгиариқ туманидаги Аз-Замахшарий номидаги иқтидорли ўқувчилар лицейида ташкил этилган очиқ мулоқотда эса вилоят ҳокими туман ёшларининг таълим, санъат, маданият ва спорт соҳаларида мавжуд муаммо ва таклифлари билан яқиндан танишди.

Мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ишлари шу кун талаби асосида ташкил этилган, синф ва амалиёт хоналари машғулотлар учун зарур воситалар билан таъминланган.

Учрашув давомида ёшлар ўзларининг келгусидаги режалари, бизнес лойиҳалари ҳақида сўзлаб берди. Айниқса, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ташаббусларини барча қўллаб-қувватлади.

Вилоятда туман ва шаҳар ҳокимлари, турли мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ёшлар билан учрашувларини йил давомида ўтказиб бориш режалаштирилган.

ТАДБИР

ҚАРДОШ ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Б. УММАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Наврўз байрами арафасида Фарғонада уч — ўзбек, тожик, қирғиз тилларида газета тайёрланади ва Тожикистоннинг Сўғд, Қирғизистоннинг Ўш, Ўзбекистоннинг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари босмахоналарида чоп этилиб, шу вилоятларда тарқатилади.

Шунингдек, кейинроқ маркази Фарғонада, мухбирлик пунктлари Сўғд, Боткент, Ўш, Наманган, Андижонда бўлган "Водий" ахборот сайти ташкил этилади. Унда ўзбек, тожик, қирғиз ва рус тилларида водий вилоятлари янгиликлари бериб борилади. Бошқача айтганда, Фарғона водийсида ягона ахборот макони яратилади.

Фарғонада ташкил этилган "Жамият ва оммавий ахборот воситалари" мавзусидаги халқаро конференциянинг муҳим келишувларидан бири шулар бўлди. Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз, Тожикистон, Қирғизистон оммавий ахборот воситалари вакиллари, фахрий журналистлар, соҳа раҳбарлари иштирок этди.

Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлатларимиз ўртасидаги ўзаро асрий муносабатларни яхшилаш, уни янги босқичга олиб чиқишга қаратаётган юксак эътибори, буни қўшни мамлакатлар раҳбарлари Имомали Раҳмон ҳамда Сооронбай Жээнбеков тўлиқ қўллаб-қувватлаётгани алоҳида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги уч йилда давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар яхшиланиши, чегара постлари очилиши, аҳоли ўртасида борди-келди йўлга қўйилиши ўзбек, тожик, қирғиз халқларининг катта хурсандчилигига сабаб бўлди.

Конференцияда сўзга чиққан Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Ф.Қосимов, Ўзбекистон Миллий университети доценти А.Мелибоев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, "Дунё" ахборот агентлиги директори С.Суяров ва бошқалар мамлакатимизда матбуот ҳамда сўз эркинлиги борасида амалга оширилаётган ишлар, оммавий ахборот воситаларининг халқлар дўстлигини мустаҳкамлашдаги ўрни ҳақида гапирдилар.

— Келгусида водий журналистлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун Фарғона — Ўш, Фарғона — Сўғд, Фарғона — Боткент телекўприклари ташкил этишни ҳам режалаштириб турибмиз, — дейди Фарғона вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Муҳаммаджон Обидов.

Анжуманда сўзга чиққан меҳмонлар Қирғизистон ва Тожикистонда ўзбек тилида чиқаётган газета ва журналларда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлашда ўзбек тилида ёзадиган, мулоқот қиладиган журналистлар етишмаётгани ҳақида гапирди.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжаев университет бу масалада қардошларимизга ёрдам беришга тайёр эканини билдирди.

Тадбирда иштирок этган "Ўш садоси" газетаси бош муҳаррири Соҳиба Шокирова конференция нафақат соҳа янгиликларидан хабардор бўлишга, балки ўзаро тажриба алмашишга ҳам имкон яратганини таъкидлади.

Анжуман иштирокчилари шу куни Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

ЭКОЛОГИЯ

Баҳор ХИДИРОВА

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида сув ҳавзалари ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш, ер ости бойликларидан оқилона фойдаланишда тегишли давлат ташкилотлари ўртасида ўзаро ахборот алмашиш ва ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

СУВ, ҲАВО, ТУПРОҚ МУСАФФО БЎЛСИН

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда экологик қонунчиликни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш тизимида ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, табиатга инсон омилининг салбий таъсирини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борада устувор вазифалар хусусида тўхталиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни янада кучайтириш, ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, ҳар бир ҳудуд ва корхона бўйича экологияни яхшилаш, чиқиндиларга доир ишлар юзасидан дастурлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш борасидаги вазифаларни белгилаб берди.

Ана шу йўналишдаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган тадбирда эколог мутахассислар билан бир қаторда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, сув хўжалиги, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари иштирок этди.

Сув хўжалиги вазирлигининг ахборот-таҳлил ва ресурс маркази раҳбари Воҳид Аҳмаджоновнинг айтишича, сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалигида обиҳаётни тежаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида биргина 2019 йилда 47 минг гектар майдонда, жумладан, 12 минг гектар пахтазорда томчилаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари жорий этилди. Жорий йилда яна 44 минг гектар майдонда шундай лойиҳалар амалга оширилади. Давлатимиз томонидан фермерларга сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун субсидия ажратилаётгани ва бошқа молиявий имтиёзлар берилаётгани бундай хайрли ишларнинг жадал ривожланишига замин бўлмоқда.

Тадбирда қайд этилишича, соҳада эришилаётган бундай ютуқлар билан бирга ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Масалан, бугунги кунда республикамизда 67 минг гектардан зиёд майдонда рекультивация ишларини амалга ошириш зарур. Қолаверса, оқоваларни қайта ишлаш тизимини замонавийлаштириш, ер қаъридан фойдаланишда қонун талабларига риоя қилиш, сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш борасида амалий ишларни тизимли йўлга қўйиш лозим.

Ўқув семинарида 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини амалга ошириш бўйича "йўл харита"сида бу йўналишда белгиланган вазифаларни ўзаро ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқи мезонларини тўғридан-тўғри қўллаш бўйича Европа стандартлаштириш ташкилоти билан музокаралар олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, 15 мингдан зиёд стандартлардан фойдаланиш учун йўл очади.

ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАР СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Жасур ШУКУРОВ,
"Ўзстандарт" агентлиги бош директори ўринбосари

"Бу йил 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингтага ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш зарур".
Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Ўзстандарт" агентлиги зиммасига ана шундай муҳим вазифалар юкланди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун бугунги кунда юртимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилишда айнан стандартларга эҳтиёж ортмоқда? Бу саволга жавоб беришдан олдин унинг моҳиятидан хабардор бўлиш зарар қилмайди.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Содда қилиб айтганда, стандарт бу — истеъмолчининг маҳсулот, хизмат сифати ва хавфсизлигига талаби. Бирор-бир маҳсулот ишлаб чиқарилганда, синов жараёнида қўйиладиган талаб ёки меъёрларга жавоб бермаса, демак, у бу жиҳатдан кафолатланмаган. Халқаро меъёрлар асосида ишлаб чиқарилмаган ёки уларга жавоб бермаган маҳсулот хориждаги бозорлардан ҳам муносиб жой ололмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда миллий маҳсулотларимиз сифатини ошириш, жаҳон бозоридаги рақобатга дош берадиган товарлар ишлаб чиқаришда халқаро меъёрларни қабул қилиш ва тармоқларга жадал жорий этишга эҳтиёж ҳар қачонгидан-да кўпроқ ортяпти.

Соҳа олдига қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш борасидаги мавжуд меъёрий ҳужжатларни хатлодан ўтказиш, 2 900 та халқаро стандартни қабул қилиш ҳамда бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, маънан эскирган 1 700 та стандартни қайта кўриб чиқиш ҳамда бекор қилиш лозим.

Режага кўра, иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилаётган ва ўзлаштирилиши кўзда тутилаётган маҳсулотларга халқаро меъёрларни жорий қилиш юзасидан таклифларни шакллантириш, мавжуд давлат стандартлари фондини, соҳалардаги техник қўмиталар томонидан маҳсулот сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган хорижий талаблар таҳлилини ўтказиш ҳамда уларни халқаро мезонлар билан уйғунлаштириш белгиланди.

Бугунги кунда меъёрий ҳужжатлар фондидаги 34 714 та стандартнинг 8 107 таси, жумладан, ўтган йил давомида 2 796 та стандарт қабул қилиниб, шундан 2 744 таси халқаро талаблар билан уйғунлаштирилган. Шунингдек, маҳаллий саноат корхоналарида АҚШнинг материаллар синовлари стандартлари ташкилотининг 12 мингдан зиёд талабларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлинди.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқи мезонларини тўғридан-тўғри қўллаш бўйича Европа стандартлаштириш ташкилоти билан музокаралар олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, 15 мингдан зиёд стандартлардан фойдаланиш учун йўл очади. Бундан ташқари, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти, Халқаро электротехника комиссияси, БМТнинг Европа иқтисодиёт комиссияси ҳамда Россия, Франция, Германия каби мамлакатларнинг миллий стандартларини қўллаш имконияти яратилди.

Амалиётга татбиқ этиладиган янги талабларни фақат халқаро меъёр ва қоидаларга ёки хорижий мамлакатларнинг илғор стандартларига мувофиқ бўлган тақдирда қабул қилиш механизми жорий қилинди. Натижада шу йил бошидан Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини баҳолаш, уларни сақлаш ва ташишга оид 158 та стандарти тўғридан-тўғри амалиётга киритилди.

Ўтган йили Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан синов лабораторияларини ривожлантириш учун 4,1 миллиард сўмлик 38 та синов ускунаси билан бирга евростандартнинг 4 600 намунаси харид қилинди. 2020 йилда ҳам бу борадаги ишлар давом этади. Жаҳон банкининг 20,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари ҳисобидан 462 дона замонавий синов ускунаси сотиб олинади. Техник воситаларни электромагнит мослашувчанликка синаш лабораториясини ташкил этиш мақсадида Чехиянинг "Exporta" компанияси билан ҳамкорликда 3,8 миллион евро миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилади. Умуман олганда, йил давомида 300 га яқин янги синов услуби амалиётга жорий этилиб, баъзи маҳсулотларни тўлиқ синовдан ўтказишга эришилади.

"Ўзстандарт" агентлиги миллий эталонлар базасини кенгайтириш ҳисобидан ўтган йили 456 та юқори аниқликдаги ва 4 900 дона ишчи ўлчов воситаларининг аниқлигини текшириш орқали метрологик назорат таъминланди ва йилига 200 минг АҚШ долларидан зиёд валюта иқтисод қилинди. Бундан уч йил олдин такрорий синовлар 15 кунгача давом этиб, ўлчов ускуналари божхона омборларида узоқ сақланар ва сертификатлаштиришга қўшимча чиқим қилишга тўғри келарди. Давлат божхона қўмитаси билан агентлигимиз ўртасида ахборот алмашинуви тизими йўлга қўйилгандан кейин расмийлаштириш ишлари онлайн тизимда амалга оширилмоқда.

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ, БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ 334 ТАСИ ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАР ҲИСОБЛАНАДИ

Шу кунга қадар халқаро "Global G.A.P." стандарти талабларига мувофиқ, мева-сабзавот етиштирувчи маҳаллий 39 та корхонага сертификатлар расмийлаштирилган. Тез орада улар сони 100 га етади. Халқаро стандартларга мувофиқ, бошқарув тизимларини жорий этган ишлаб чиқарувчиларнинг 334 таси экспортчи корхоналар ҳисобланади.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тузилмадаги лабораторияларни модернизация қилиш, халқаро стандартлар бўйича синов услубларини жорий этиш ва улар ёрдамида экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда ички бозорларимизни сифати кафолатланмаган маҳсулотлардан ҳимоя қилиш тизимлари яратилади.

УЧИНЧИ СЕКТОР

ЖАМИЯТ — ИСЛОҲОТЛАР ТАШАББУСКОРИ

нодавлат нотижорат ташкилотлар бу ғоя рўёбида етакчи ўрин тутади

Бошланиши 1-бетда

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Насимжон Алимов. — Юртимизда ушбу ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган икки юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилган.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 10 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилот жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда эзгу ташаббус ва лойиҳалари билан иштирок этмоқда.

Тараққий этган хорижий мамлакатлар тажрибасини кузатсак, масалан, Европа давлатларида нодавлат нотижорат ташкилотлар учинчи сектор мақомига кўтарилган. Давлат ва хусусий тармоқдан кейин жамиятдаги долзарб вазифаларни ҳал этишда, ҳатто қонун ҳужжатлари қабул қилишдан уларнинг ижросини назорат қилишгача бўлган жараёнда жамоат ташкилотларининг ўз ўрни бор. Биз бу борада Германия, Буюк Британия, Франция ва бошқа давлатлар тажрибасини қизиқиш билан ўрганяпмиз.

Энди Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар орасида ҳам жамиятда фаоллик кўрсатиб, яхши натижаларга эришаётганлари мавжуд. Уларнинг саъй-ҳаракати билан жамиятимиздаги бир қатор долзарб масалаларга самарали ечим топилмоқда. Баъзи нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳатто халқаро аҳамиятга молик ташаббуслар билан чиқмоқда. Масалан, пойтахтимиздаги "Умрбоқий мерос" Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази халқимизнинг каштачилик санъатини ЮНЕСКОнинг "Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхати"-га киритишда ташаббускорлик қилмоқда.

Кўпгина нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишда фаол қатнашмоқда. Масалан, Урганчдаги "Нур ва ҳаёт" марказининг Оролбўйида амалга ошираётган экологик лойиҳалари, Самарқанд шаҳридаги "Сабр" нодавлат нотижорат ташкилотининг аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсиз аҳолини касбга йўналтириш, Фарғонадаги "Меҳржон" аёллар ва болалар марказининг оилада зўравонликнинг олдини олиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини касбга йўналтириш бўйича лойиҳалари бунга яққол мисол.

Мурожаатномада жамоат ташкилотларининг бундай хайрли лойиҳалари қўламини янада кенгайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Бунинг учун мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтиришга ургу берилди. Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш таклифи илгари сурилгани бизни янада руҳлантирди.

Бундай эзгу ишлар мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат дастурлари ижросини таъминлашда халқимизнинг фаоллигини ошириш, энг муҳими, жамиятимизда очиқлик, ошкоралик, адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, ислоҳотлар ривожига салбий таъсир этаётган коррупция каби иллатларга барҳам беришда муҳим қадам бўлади.

— Ана шундай муҳим ташаббусларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг иштироки ва ўрни қандай бўлади?

— Барча давлат ва нодавлат ташкилотлар каби биз ҳам янги дастурий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб ассоциациямизнинг иш режа ва дастурини ишлаб чиқдик. Унда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаоллигини ошириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга йўналтирилган қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг таълим-тарбияси ҳамда бандлигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ лойиҳаларга алоҳида ургу берилган. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, экология, маданият ва спорт соҳаларида, аҳолининг турмуши даражаси ва сифатини оширишда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро муносабатларда халқ дипломатиясини ривожлантиришда халқаро ва хорижий давлатларнинг турдош ассоциациялари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва молия институтлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини янада ошириш мақсадида малакали олимлар ва экспертларни жалб этган ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий тадбирларни тизимли равишда ташкил этишга мўлжалланган "йўл харитаси"ни ишлаб чиқдик.

— Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини моддий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган ҳуқуқий ва ташкилий асослар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз фаолиятини бошлаши ва иш юритиши учун жаҳон амалиётидан келиб чиқиб замонавий ҳуқуқий ва ташкилий тизим яратилган. Қонунчиликда нодавлат нотижорат ташкилотларга ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмалари бериш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш механизмлари белгилаб берилган.

Жумладан, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштириляпти. Жамоат фонди томонидан ўтган йили шу мақсадда 28,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Фонд ўтказаётган давлат гранти танловларида ҳар йили уч юзга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар ғолиб бўлиб, тегишли лойиҳалар бўйича ажратилган маблағлардан фойдаланмоқда. Бу мамлакатимиздаги ўн мингдан кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳар 35 тадан биттаси дегани. Бу лойиҳаларда қатнаша олмаганлар эса ўз ташаббус ва лойиҳаларини молиялаштиришнинг бошқа манбаларини топишига тўғри келади. Албатта, бу муаммонинг ҳам ўзига хос ечими бор. Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, ҳамкорликни кенгайтириш орқали ҳам янги молиявий манбаларни яратиш имкониятлари мавжуд.

Бу борада "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун асосида нодавлат нотижорат ташкилотлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун давлат-ижтимоий шериклик алоқаларини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий тизими яратилгани яна бир муҳим қадам бўлди. Бироқ қонун бўлса-да, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий шериклик бўйича ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмагани, бу йўналишда амалий ишлар яққол кўзга ташланмаётгани Мурожаатномада ҳам таъкидланди.

— Ассоциация томонидан бу муаммоларни бартараф этиш бўйича қандай чоралар кўриляпти?

— Биз, аввало, тегишли экспертларни жалб этган ҳолда мавжуд муаммоларнинг сабабларини ўргандик. Бу жараёнда ижтимоий шериклик давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотларга давлат бюджетидан маблағ ажратиш борасида ҳуқуқни қўллаш амалиётида номутаносибликлар борлиги маълум бўлди. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунларга ҳамда Бюджет кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича иш олиб боряпмиз. Шу йўналишда тайёрланган янги қонун лойиҳаси биринчи ўқишдан ўтиб, иккинчи ўқишга тайёрланди.

— Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг аксарияти ўзининг биносига эга эмас. Яқин келажакда бу муаммолар ҳам ечим топадими?

— Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида бу вазифалар ижроси бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда "Нодавлат нотижорат ташкилотлар уйлари"ни ташкил этиш кўзда тутилган. Табиийки, бу имконият жамоат ташкилотларининг ўз мақсад ва режаларини тўлиқ рўёбга чиқариши, давлат-ижтимоий шериклик алоқаларини кенг йўлга қўйиши, қолаверса, халқаро ташаббус ва лойиҳаларда фаол қатнашиши, қисқаси, юртимизда демократик ислоҳотларни ривожлантиришдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашига кенг йўл очади.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.

Давлат бошқаруви тизими самарадорлигини баҳолаш

давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим омили

Бошланиши 1-бетда

Адлия вазирлиги давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси Азиз Деҳқоновнинг айтишича, вазирлик бу борада Буюк Британия тажрибасини ўрганиб, ундан давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда самарали фойдаланмоқда. Бирлашган Араб Амирликларининг бу борадаги ютуқлари ҳам жаҳон миқёсида алоҳида эътироф этилмоқда. Жумладан, 2019 йил якунлари бўйича Жаҳон иқтисодий форумининг институтлар сифати кўрсаткичи бўйича рейтингида 41 та мамлакат ўртасида БАА 4-ўринни эгаллади.

Мазкур тренингни ташкил этишдан мақсад ушбу йўналишда орттирилган илғор тажрибаларни ўрганиш, ундан давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланишдир. Ана шундай илғор хорижий тажрибалар ва замонавий амалиётлар атрофлича ўрганилиб, жорий йилнинг учинчи чорагида мамлакатимизда давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш услублари ишлаб чиқилади.

— Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий мулоқот фаоллашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, — дейди Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича ва келажак вазирлиги вакили Азиз Хмуд Ал-Амери. — Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 24-26 март кунлари юртимизга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда янги босқични бошлаб берди. Ташриф доирасида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро келишувларга эришилди. Жумладан, Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви тизимида эришган ютуқларини Ўзбекистондаги давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилди. Мазкур тадбир ана шу келишувни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилди. Умид қиламизки, ушбу ҳамкорлигимиз мамлакатингизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

"Ҳар қандай ижтимоий кўмак бериш фуқароларни ижтимоий, интеллектуал ёки касбий ривожлантириш учун рағбатлантиришга йўналган бўлиши керак"

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 25 февраль, 22-сон

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида фан, таълим ва маориф соҳасига оид бажариладиган ишлар юзасидан бир қатор стратегик йўналишлар белгилаб берилди.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Чирчиқ давлат педагогика институти ректори Ғофуржон Муҳамедов бу масалаларга оид мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Миллий таълим тизимимизнинг ўзига яраша ютуқлари билан бирга кўплаб муаммолари ҳам мавжудлиги бугун сир эмас. Шу боис кейинги йилларда уларни бартараф этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Таълимни бола ҳали гўдаклигиданоқ бошлаш баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим шартидир. Ислоҳотлар жараёнида бу омилга катта эътибор қаратилаётир. Масалан, биргина 2019 йилнинг ўзида 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчаси ташкил этилди. Бунинг натижасида фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.

Шу ўринда японялик тадқиқотчи, бола руҳияти билимдони Масару Ибуканинг "Учдан кейин кеч" китобини эслашни жоиз, деб биламан. Унинг фикрича, катта ёшдагилар қийинчилик билан ўрганадиган нарсаларни болалар ўйнаб илғаб олади.

Жорий йилдан тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилади. Бу каби эътибор таълимнинг барча босқичлари ривожи учун пойдевордир.

— Таълим муассасаларида алоҳида қобилиятли ўқувчилар билан ишлаш масаласида нималарга эътибор қаратиш жоиз, деб ҳисоблайсиз?

— Педагогикага оид адабиётларда қобилият инсоннинг шахсий салоҳияти, имконияти экани айтилади. Дарҳақиқат, қобилият билимдан кескин фарқланади: билим мутолаа натижаси ҳисобланади, қобилият эса шахснинг психологик ва физиологик тузилиши хусусияти саналади.

Таълим муассасаларида ўқувчилар билан ишлаш жараёнини кузатиб, иқтидорлиларни аниқлаш, уларнинг қобилиятини ривожлантириш ва йўналтириш борасидаги вазиятни қониқарли деб бўлмайди. Мамлакатимизда бу вазиятни ўнглашга қаратилган салмоқли қадамлар қўйилаётгани қувонарли. Яъни 2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та ижод мактаби иш бошлагани таълим тизимимиздаги ижобий "портлаш"лардан биридир.

Фарзандларимизда Беруний, Форобий, Хоразмий, Ибн Сино каби буюк аждодлар қони бор. Тизимда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш бўйича олиб борилаётган бундай катта кўламдаги ишлар Шарқда икки бор кузатилган Ренессанс даврининг қайтишига ишорадек кўринади менга.

— Таълимдаги муаммоларни бартараф қилиш чораларини белгилашда уларни тизимга солган ҳолда тасаввур қилиш, таснифлаш ва тавсифлаш муҳим. Бу борада қандай фикрдасиз?

— Таълим тизимида узоқ йиллардан бери йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш осон кечмайди. Бунинг учун, аввало, таълимга ёндашув билан боғлиқ муаммоларни аниқлаб олишимиз лозим. Назаримда, тизимга ёндашув билан боғлиқ муаммолар қуйидагиларда кўринади:

— кадрлар тайёрлашда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги ва талабининг инобатга олинмаслиги;

— меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг чуқур ўрганилмаслиги;

— таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясининг тўла таъминланмагани;

— фан ютуқларини тижоратлаштиришга эътибор берилмаслиги.

Натижада олий таълим билан қамров даражаси пастлиги, номутаҳассис фанлар улуши юқорилиги, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни амалиётга жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш механизми сустлиги, коррупциянинг урчиши каби ёндош муаммолар келиб чиқди.

Бугун ислоҳотлар жараёнида айни шу масалаларга катта эътибор қаратилаётгани соҳа истиқболи порлоқлигига ишончни оширади.

— Таълим тизимидаги бугунги ислоҳотлардан келиб чиқадиган вазифалар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

— Президентимиз бу борадаги вазифаларни аниқ-тиниқ белгилаб берди. Булар олий таълим билан қамров даражасини ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш кабилардир.

Умуман, олдимиздаги вазифалар жуда кўп. Энг асосийси, таълим тизимида фаолият юритаётган ходимлар замонавий таълимга қўйиладиган талабларга жавоб беришидир. Мурожаатномада педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизими жорий этилиши айтиб ўтилди. Бу эса рағбатнинг энг муҳим кўринишларидан бири, деб биламан. Қолаверса, жорий йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олим ва профессор-ўқитувчи чет элга илмий изланиш ва малака ошириши белгиланган ҳам соҳа ходимларини янги марраларга илҳомлантиради.

— Бозор иқтисодиёти шароитида таълим хизматларининг ўз қиймати бўлиши ҳам табиий. Тизимга нодавлат ва хусусий секторнинг кенг жалб қилиниши натижасида таълим хизматлари бозорида рақобат кучаяди. Бу шароитда таълим ислоҳотларида халқимизни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ қандай чоралар кўрилмоқда?

— Кўпгина ривожланган мамлакатларда таълим — бу бизнес. Таълим бизнесга айлангандагина рақобатбардошлик касб этади. Мен таълим тизимимизга нодавлат ва хусусий секторнинг кириб келаётганини ижобий баҳолайман.

Мурожаатномада таълим ислоҳотларида ижтимоий ҳимоя масаласи ҳам тилга олинган.

"Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз.

Бу борада шуни унутмаслик керакки, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактига боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз", деди Президентимиз.

Бу сўзларни таълим тизимида ижтимоий ҳимоя таъминланишининг энг муҳим кафолати деб биламан.

— Ислоҳотлар сиз раҳбарлик қилаётган Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятида қандай акс этаётганига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Президентимиз 2019 йил 23 августда халқ таълими тизимини ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда педагогик ОТМлар фаолиятига танқидий баҳо бериб, уларнинг мактабларидаги ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришдаги роли сезилмаётганини афсус билан қайд этган эди.

Бу танқидий фикрлардан келиб чиқиб, Чирчиқ давлат педагогика институти соҳага инновацияларни жорий қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнлари самарадорлигини ошириш мақсадида **педагогик таълим инновацион кластери**ни ўзининг асосий стратегик илмий тадқиқот йўналиши сифатида белгилади. Бугунги кунда институт жамоаси педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиш, уни амалиётга татбиқ этишнинг оқилона механизмларини ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда. Бунинг дастлабки натижалари ҳам кўрина бошлади ва унинг ижобий экани қувонарли. Демак, педагогик таълим инновацион кластерининг истиқболи бор. Бу тажрибани оммалаштириш, шубҳасиз, педагогик таълимда ўзининг ижобий самарасини беради.

Умид ХЎЖАМҚУЛОВ суҳбатлашди.

ТАРАҚҚИЁТ

ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

амалга ошираётган ҳар бир ислоҳотларимизнинг асоси бўлиши лозим

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
сиёсий фанлар доктори
Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари доктори

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олишдек улуғ мақсадларга замонавий билимларга эга бўлмасдан туриб эришиш мумкин эмас. Шу боис, Президентимиз парламентга Мурожаатномасида: "Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради", деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фикрлари юксак тараққиётга эришишнинг тўрт муҳим талаби, яъни жамиятдаги барча қатламлар вакилларининг улуғ мақсадлар йўлида бирлашиши, ишни сифатли ва самарали бажаришга бўлган масъулият, замонавий билимлар ва технологияларни пухта ўзлаштириб олиш ҳамда Ватан тараққиёти йўлидаги фидойиликни тақозо этади. Эътибор қиладиган бўлсак, Президентимиз юксак тараққиётга эришиш учун моддий имкониятлар, молиявий ресурслар кераклиги, ер ости ва ер усти бойликлари, ташқи сиёсат ёки хавфсизлик заруратидан ҳам кўра, кўпроқ инсон салоҳиятини юксалтириш ва инсон капиталини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ омилларга урғу берди. Бундай ёндашув бежиз эмаслиги Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мобайнида бажарилган бунёдкорлик ишларининг барчаси айнан инсонни рози қилишга, унинг учун зарур ҳаёт шарт-шароитларини яратишга йўналтирилаётгани билан асосланади.

ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ АСОСИ

Ижтимоий ривожланиш деганда, янги ижтимоий муносабатлар, ўзгарган қадриятлар ва янги талаблар ҳамда меъёрларни ўзида ифода этувчи жамиятнинг мазмунан ўзгариши тушунилади. Ижтимоий ривожланиш тушунчаси реал тараққиёт жараёни сифатида ўз мазмунида уч хусусият, яъни орқага қайтмас ҳаракат, мақсад сари йўналганлик ва янги қонуниятларга таяниш тенденцияларини намоён этади.

Мурожаатномада айтилганидек, инсонни самарали ижтимоийлаштириш ва бу жараённинг сифатини тубдан яхшилаш катта аҳамиятга эга. Нафақат миқдорий, балки сифатий ўзгаришларни кўзловчи ислоҳотлар даставвал таълим ва тиббиётга эътиборни тубдан ўзгартиришни талаб этади. Шу маънода, айни соҳаларга эътибор янада кучайди. Ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик маошлари оширилди. Ўқувчининг таълим олиш имкониятлари кенгайди. Ижтимоий имкониятлари чекланган аҳоли қатламлари ва ёш оилалар учун арзон уй-жойлар барпо этилмоқда. Олий таълим муассасаларига қабул квоталари бекор қилиниб, олий таълим олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Аммо ўтган 3 йил мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ишларга қарамай, ҳали ечимини кутаётган кўпгина долзарб масалалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Президентимиз аҳолининг кам таъминланган қисмига бўлган ғамхўрликни янада кучайтириш масаласини ўртага қўйди. Биринчи марта **"камбағаллик"** атамаси тилга олиниб, уларнинг мамлакатимиздаги сони 4-5 миллион эканлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур масалага ёндашишнинг ўзи ҳам тўғри бўлмаганини рўйи рост айтди ҳамда бу муаммонинг аниқ ечимларини кўрсатиб берди: **"Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу — бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Камбағалликни камайтириш — бу алоҳида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички кучқуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир".**

Дарҳақиқат, одамнинг ўз ҳаётини фаровон этишга иштиёқи, билими, эгаллаган ҳунари сафарбар этилмас экан, инсон ҳеч қачон умридан шукрда бўлмайди, бири иккига айланмайди. Инсонда тадбиркорлик руҳи уйғотилмагунча уни камбағаллик кишанидан халос этиб бўлмайди ва у ҳаётга муҳаббат билан боғлана олмайди. Халқимиз ҳақли айтганидек, "кўлда дон бериб қушни ҳам тўйдириб бўлмайди".

Мурожаатномада Президентимиз таъкидлаган юқоридаги фикрларни тўлароқ англаб олиш учун 2017 йилгача бўлган ҳолатни таҳлил қилиш жоиздир. Илгари, яъни 1992 йилдан бошлаб 25 йил мобайнида субсидиар сиёсат (субсидиар сиёсат — имконияти чекланганлар, етим болалар, ўта кам таъминланган оилаларга давлат томонидан фақат моддий ёрдам бериш тартиби бўлиб, молиявий кўмак олган шахслар давлат ёхуд жамият ташкилотларига бирор-бир тайинли ҳисоб бермаслиги ва жавобгарлик масъулиятини зиммасига олмаслигини ифодаловчи ҳолатни англатади) юргизилиб келинган. Бу сиёсат аҳолининг фақат моддий эҳтиёжларини қоплашга йўналтирилган харажатлар бўлгани учун жаҳонда инсонга ва бирор-бир соҳа ривожига "фойда келтирмайдиган харажатлар" деб қаралади. Субсидиар сиёсат бўйича давлат томонидан қилинувчи харажатлар кўп ҳолларда ижтимоий дангасаликка, яъни кўпчилик аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмасликка ўрганиб қолишига, боқимандаликка ва меҳнат бозорини ривожлантиришга ўз таклифлари билан иштирок этмасликка одатланишига олиб келади.

Ўзбекистонда амалга оширилган субсидиар сиёсат Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциясига ҳам мос келмасди. Конвенцияда "ҳар қандай ижтимоий кўмак бериш фуқароларни ижтимоий, интеллектуал ёки касбий ривожлантириш учун рағбатлантиришга йўналган бўлиши керак", деб белгилаб қўйилган. Шу боис, Президентимиз мазкур муаммо ечимининг энг тўғри ва мақбул йўлини, яъни ҳар бир инсонни танлаган соҳасидаги билимларини юксалтириш, малакали касб-ҳунар ўргатиш, ёшларни устозларга бириктириб тажриба орттириш механизми энг тўғри йўл эканини кўрсатиб берди.

"ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ" — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ

Ҳалоллик ўз маъносига кўра, тўғрилик, адолат, софдиллик, самимийлик, имон сўзлари билан уйғундир. Одамларга тўғрилик, ҳалолликни сингдириш инсоният тарихида энг қийин ишлардан бўлган. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ҳалоллик, ростликни ички ва ташқи сиёсатни юритишда, оила тарбиясида, дину диёнатга риоя этишда бош қадрият деб билган. "Темур тузуклари"даги "Рости русти" сўзи "Куч тўғриликдадир" деган маънони ифода этган.

Адолат сўзи араб тилида "ҳалол, тўғри, рост, ҳаққоний" деган маъноларни ифода этади. Қайд этиш керак, дунёдаги барча катта ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар айнан адолат, ҳалоллики ўрнатишга даъватдан бошланган. Ҳалоллик ва адолатнинг рўёбга чиқиши ҳукмдорнинг иродаси билан бирга жамият ҳамда шахсларнинг маънавиятига бевосита боғлиқ бўлиб, тўғриликни ҳаётнинг бош тамойили деб билган бошқарув тизимларида юксалиш ва қонун устуворлиги барқарор ўрнатилган. Хусусан, уч минг йиллик тарихимизга олтин ҳарфлар билан битилган Тўмарис, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлигидаги давлатларда илм-фан, санъат, ҳунармандчилик, бунёдкорлик ривожига айнан ҳалоллик ва адолат омиллари кенг йўл очган.

Президентимиз Мурожаатномада янги Ўзбекистон маънавиятида ҳалоллик, тўғрилик тамойили ҳаётимизнинг бош қадриятига айланиши, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий иллатларга, хусусан, коррупцияга қарши курашишда бу қудратли омилга таяниш учун жамоатчилик ролини ошириш масаласига алоҳида тўхталди. Жамиятда бу фазилатларга эга бўлишга интилиш ялпи ижтимоий ҳаракатга айланиши ижтимоий заруратдир. **"Коррупцияга қарши курашишда, — дея таъкидлади Президентимиз, — аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцина"си билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак".**

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЧИНАКАМ СУБЪЕКТИ

Барча даражадаги давлат ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий тузилмалари фаолияти натижадорлиги, энг аввало, халқ олдидаги ҳисобдорлигига боғлиқ.

Шу сабабли, биринчи навбатда, вилоят ва туман ҳокимлари ҳудудий дастурлар ва уларнинг ижроси, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳамда аҳолининг уларга қилган мурожаатлари нечоғлиқ ҳал этилиши тўғрисида вилоят кенгашларида ҳисобот бериши тизимини жорий қилиш ҳаётимизда ҳақиқий янгилик бўлади.

Бу жараённи тизимли амалга ошириш мақсадида республиканинг ҳар бир ҳудудига Олий Мажлис Сенатининг доимий асосда ишлайдиган сенаторларини маҳаллий кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича масъул сифатида бириктириш белгиланиши давлатимизнинг халқчил моҳиятини янада равшан намоён этади.

Ижро ҳокимияти фаолиятининг турли муаммолари бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида маҳаллий кенгашларда Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилса, кенгашларнинг ҳудуддаги мавқеини янада мустаҳкамлайди. Шу ўринда яна бир масала. Ҳокимларнинг маҳаллий кенгашга раис бўлиши тартибининг бекор қилиниши уларнинг ўзи раҳбар ҳисобланган тузилма олдида, яъни ўз-ўзига ҳисобот бериши каби мантиқсиз амалиётга чек қўяди.

Умуман, Мурожаатномада билдирган фикрлар асосида жамият фаоллигини таъминлашга эришиш, "Жамият — ислоҳотлар ташаббускори" шиорини ҳаётга жорий этиш, турли ижтимоий тузилмаларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва тўғри йўналтиришга эътибор қаратиш зарур. Хусусан, китобхонлик маданиятини вертикал эмас, балки горизонтал асосларда, яъни "ота китобхон — бола китобхон", "ўқитувчи китобхон — ўқувчи китобхон", "ака китобхон — ука китобхон" тарзидаги ёндашувни, яъни ибрат омилини самарали қўллаш орқали китоб мутолааси тарғиботини кучайтириш талаб этилади.

Аҳоли турли табақалари вакиллари, ёшларнинг замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштиришлари, хорижий тилларни мукаммал ўрганишлари, спорт билан барчанинг доимий тарзда шуғулланишига эришишга жиддий эътибор қаратиш жоиз. Ижтимоий ривожланиш субъекти бўлган янги Ўзбекистон фуқаросида инсон капиталини узлуксиз такомиллаштириш ҳамда уни миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида узлуксиз юксалтириб бориш долзарб масалалардандир.

Киберҳужумлардан 2019 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон аҳолисининг 17 фоизи зарар кўрган бўлса, иккинчи чорагида мазкур кўрсаткич 26 фоизга етган.

ОҚЛОВ

СУД ОСТОНАСИГА ҚАДАМ ҚЎЙГАН ОДАМ АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

Маҳаматиброҳим ТЎЛАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Фарғона вилояти суди раиси

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўнгги 3 йилда 1989 нафар, 2019 йилнинг ўзида эса 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганини, бу "ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиз" эканини таъкидлаб: "Мен Президент сифатида судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман", деди. Давлатимиз раҳбарининг бу фикрлари нафақат судьялар меҳнатининг эътирофи, балки адолатни қарор топтириш, ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариш бўйича зиммамизга юклатилган улкан масъулият ҳамдир.

2019 йилда жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоятидаги судлар томонидан ҳам бу борада муайян ишлар қилинди. Хусусан, жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан 27 нафар, туман ва шаҳар судлари томонидан 5 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди.

Бир мисол. Зулфия Исақова 1991 йилдан Тошлоқ тумани, Фарғона шаҳри ва собиқ Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) тумани ички ишлар бўлимларида суриштирувчи ва терговчи лавозимларида фаолият юритган. 2009 йил декабрь ойининг бошида Риштон тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси вазифасига ўтказилган.

Ўша йилнинг декабрида Қўштепа тумани ИИБ тергов бўлинмасида иш ҳажми кўпайганлиги боис, вилоят ички ишлар бошқармасининг буйруғи билан у мазкур туманга хизмат сафарига юборилади.

2010 йил 6 январь куни бўлинма бошлиғининг кўрсатмасига мувофиқ, терговчи Р.Бойназаров иш юритувида бўлган фуқаро Иминжон Қаҳҳоров (исм-шарифлар ўзгартирилган)га нисбатан қўзғатилган жиноят иши З.Исақовага олиб берилади.

Шу ўринда юқоридаги жиноят иши тафсилотларига қисқача тўхталиб ўтсак. Иминжон Қаҳҳоров тумандаги 18-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган пайтда ўзи синф раҳбари бўлган синфда ўқийдиган Ёркиной Ғозиевани яхши кўриб қолади. Кейинчалик қиз турмушга чиққач, икки кундан сўнг ажрашиб, уйига қайтиб келади. Куёв томон қудаларга тўй харажатлари учун сарфланган 10 миллион сўмни қайтарса, келиннинг кийим-кечак, тилла тақинчоқлари ва бошқа буюмларини беришини айтди. Ё.Ғозиеванинг ота-онаси эса бу ишда И.Қаҳҳоровни айблаб, ундан сўралаётган пулни беришни талаб қилади.

Аммо И.Қаҳҳоров бу айбловни тан олмайди. Шу боис, Ё.Ғозиева И.Қаҳҳоровга қонуний чора кўриш ва ундан 10 миллион сўм маблағни ундириб беришни сўраб, туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Ушбу мурожаат асосида ўқитувчига нисбатан Жиноят кодексининг 128-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилади.

Тергов давомида терговчи гумонланувчига даъвогарларнинг талабини етказади. И.Қаҳҳоров эса 10 миллион эмас, 8 миллион сўм беришга рози эканини айтади. Қизнинг отаси бунга рози бўлади ва пулни терговчининг ҳузурида олишини билдиради. Хуллас, 2010 йилнинг 23 январь куни И.Қаҳҳоров турмуш ўртоғи билан бирга терговчининг хонасига 8 миллион сўмни олиб келади.

Шундан сўнг З.Исақова жабрланувчига қўнғироқ қилади. Телефон гўшагини кўтарган Д.Ғозиевнинг ўғли отаси маҳалладаги тўйда эканини айтади. Терговчи унга отаси тезроқ туман ИИБга келишини тайинлайди ва хонасида И.Қаҳҳоров ҳамда унинг хотинини қолдириб, тергов бўлинмаси бошлиғи Жуманазар Раҳимовнинг хонасига чиқади. Гумонланувчи жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун пул олиб келганини айтади. Айни шу пайтда хонага МХХ ходимлари кириб, уни гўёки 8 миллион сўмни И.Қаҳҳоровдан жиноят ишини ЖКнинг 118-моддасига кўра, қайта малакалаб, қамоққа олинишини айтиб қўрқитган ҳолда пора тариқасида олганликда айблаб, қўлга олади. Натижада терговчига нисбатан ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2010 йил 5 апрелдаги ҳукмига биноан, З.Исақова 7 йил муддатга озодликдан ва 3 йил муддатга ички ишлар органларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Суднинг 2010 йил 5 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилади. Шундан сўнг жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2013 йил 26 февралдаги ажримига кўра, З.Исақованинг ўталмай қолган 2 йил 6 ой 12 кунлик жазо муддати шу муддатга ахлоқ тузатиш жазосига алмаштирилади.

Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2014 йил 3 июндаги ажримига асосан эса З.Исақова ўталмай қолган 8 ой 29 кунлик ахлоқ тузатиш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади. Кейинчалик Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 30 июндаги ажримига мувофиқ, унинг ҳаракати ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми "в" бандига қайта малакаланади. Натижада собиқ терговчига 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан ва 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, 2011 йил 5 декабрдаги амнистия акти қўлланилиб, жазодан озод этилади.

Албатта, бундай ноҳақлик ва адолатсизлик З.Исақованинг ҳаётини буткул издан чиқариб, оиласи, яқинлари ва маҳалла-кўй олдида юзини шувут қилади. Бундан ҳам ёмони, ўша пайтда унинг дардини тинглайдиган ҳеч ким йўқ эди. Шу боис, адолатни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари самара бермайди.

Сўнгги йилларда жамиятда амалга оширилаётган тарихий ислоҳотлар З.Исақованинг ҳам юрагида умид уйғотади. Унинг мурожаатига биноан, Олий суд раёсатининг 2019 йил 26 апрелдаги қарори билан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 5 майдаги ва Олий суднинг 2016 йил 30 июндаги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

Жиноят ишини янгидан апелляция инстанциясида кўриш жараёнида тергов органи ва дастлабки босқич судлари томонидан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари талаблари қўпол равишда бузилгани аниқланди. Хусусан, тезкор тадбир мобайнида И.Қаҳҳоров ва З.Исақова ўртасидаги диктафонга ёзиб олинган суҳбат аудиоёзувида терговчининг моддий зарарни қоплаш учун келтирилган 8 миллион сўмни ўзида сақлай олмаслиги, шу боис, жабрланувчининг манзилини тушунтирса, пулни элтиб беришини айтгани, И.Қаҳҳоров бунга кўнмагач, Д.Ғозиевга қўнғироқ қилиб, пулни олиб кетиши ҳақида хабар бергани аниқ-равшан акс этган. Қолаверса, И.Қаҳҳоров пулни олиб кираётганда туман ИИБ навбатчилик қисми ходимига зарарни қоплаш учун олиб келганини билдирган. Шу боис, З.Исақова пулни жабрланувчига топшириш жараёнида иштирок этиш учун фаррош аёлларни холис сифатида жалб қилган.

Бундан ташқари, Д.Ғозиевнинг гувоҳлик беришича, у маҳалладаги тўйда ошпазлик қилаётган пайтда ўғли уйда қолиб кетган телефонини олиб келиб, терговчи аёл туман ИИБга етиб боришини тайинлаганини айтган. Шу сабабли Д.Ғозиев терговчига қўнғироқ қилган. Шунингдек, туман ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи Жуманазар Раҳимов З.Исақованинг Д.Ғозиев билан телефонда гаплашганига гувоҳ бўлган. Бундай ҳолатда шахсни пора олиш жиноятини содир этган, деб айблаб бўлмайди.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, 463-моддасида эса айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши белгиланган. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ўз ифодасини топган.

Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларига таянган суд жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2010 йил 5 апрелдаги ҳукмини бекор қилди, З.Исақовани айбсиз деб топди ва оқлов ҳукми қабул қилди.

Айни пайтда З.Исақова севган касбига, ўз ишига қайтиш ҳаракатида. Негаки, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро суди 2019 йил 18 ноябрда уни ўз ишига тиклаш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида "Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак", деб таъкидлади. Шундай экан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги эзгу ишларимиз бундан кейин ҳам давом этади.

КУН МАВЗУСИ

Рустам ХУРСАНОВ,
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги юридик бўлими бошлиғи.
Амириддин АНОРБОЕВ,
вазирлик юридик бўлими бош юристконсульти

Кибержиноятчилик рақамли технологиялар ривожига тўғаноқ бўлиши, кенг кўламли зарар келтириши билан ажралиб туради. Ўзбекистонда ҳам киберҳужумлар сони ортиб бормоқда. Мамлакатимизда 2019 йил бошидан буён ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ 8 миллионга яқин ҳолат қайд этилган, уларнинг бир қисми юқори хатарга эга бўлган.

КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК – РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КУШАНДАСИ

Статистик маълумотларга кўра, киберҳужумлардан 2019 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон аҳолисининг 17 фоизи зарар кўрган бўлса, иккинчи чорагида мазкур кўрсаткич 26 фоизга етган. Бу эса мамлакатимизнинг тобора рақамлашаётган иқтисодиётини кибержиноятчиликдан муҳофаза қилиш долзарб вазифа эканидан далолат беради.

"Apple", "Google" ва "Facebook" каби гигант компаниялар рақамли технологияларни мураккаб шифрлаш йўлига ўтган. Чунки оддий шифрлаш киберҳужумлар натижасида шахсий ва корпоратив маълумотлар йўқолишини кўпайтиради, уларнинг ғараз ниятдаги кимсалар қўлига тушиши эҳтимолини оширади.

Бундай таҳдидлар юртимизда ҳам кибержиноятчиликка қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришни талаб этади.

Хусусан, "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги қонун, унинг асосида киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш, киберҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш бўйича ўрта муддатга мўлжалланган ягона миллий стратегия ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу стратегия асосида киберхавфсизликни таъминлаш концепцияси яратилиши, унда кўзда тутилган вазифалар юзасидан қабул қилинадиган давлат дастурлари ва "йўл-хариталари"ни амалиётга татбиқ қилиш вақти етиб келди.

ДУНЁДА КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ТОБОРА ХАВФЛИ ТУС ОЛИБ, КУНИГА 200 МИНГДАН ОРТИҚ МАРТА СОДИР ЭТИЛМОҚДА, НАТИЖАДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА 500 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЯҚИН МУЛКИЙ ЗАРАР ЕТКАЗИЛМОҚДА.



Дунёда кибержиноятчилик тобора хавфли тус олиб, кунига 200 минг мартадан ортиқ содир этилмоқда, натижада жисмоний ва юридик шахсларга 500 миллиард долларга яқин мулкий зарар етказилмоқда. 2016 йилда Juniper Research таҳлил маркази томонидан ўтказилган тадқиқотда ҳар ойда содир этилаётган жиноятлар 10-15 фоиз ортиб бораётгани аниқланган.

Norton Cyber Security Insights Report маълумотларига кўра, 2017 йилда хакерлар дунёнинг 20 та мамлакатидаги қарийб бир миллиард истеъмолчидан 172 миллиард доллар маблағ ўғирлаган.

Бу эса айни хавфга қарши аниқ тактик режалар, стратегия ишлаб чиқилиши зарурлигини кўрсатади.

Афсуски, жиноятга доир қонунчилигимизда кибержиноятчиларни жавобгарликка тортиш механизмлари такомиллашмаган. Ўзга давлат ҳудудидан туриб содир этилган бундай жиноятлар бўйича ҳам аниқ нормалар белгиланиши лозим.

Бугун иқтисодиётимиз хавфсизлигини таъминлаш, тараққиётимиз истиқболини ҳимоя қилиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини чуқур эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Юртимиз "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси" бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқлиги ҳам ҳақиқат.

Айнан мана шу камчиликлар кибержиноятчиларга қўл келиши, охир-оқибат ислоҳотларимиз жадаллашувига тўсиқ бўлиши билан хавфлидир.

ҚУЛАЙЛИК

ХОРИЖДАН МЕҲНАТ КУЧЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

эришилаётган ютуқлар ва истиқболдаги режалар

Зебиниса ҲАКИМОВА,
Давлат хизматлари агентлиги масъул ходими

Ўзбекистонга хориждан меҳнат кучларини жалб қилиш, уларнинг мамлакатимизда эркин ҳаракатини таъминлаш мақсадида соҳага замонавий иш услублари жорий қилиняпти.

Бу бежиз эмас. Боиси, шу кунгача амалда бўлган тизим тезкор давр талабларига, инсонларнинг онгу тафаккури ҳамда давлат бошқарувининг замонавий тамойилларига мутлақо жавоб бермас эди. Хусусан, тадбиркор мазкур хизматдан фойдаланиш учун республиканинг турли нуқталаридан Тошкентга бир неча бор келиб-кетишга мажбур бўлар, ҳужжатлар ҳамда ахборотлар давлат идоралари ва талабгорлар ўртасида қоғоз шаклида почта хизмати орқали айланарди. Бу эса мамлакатда қулай тадбиркорлик ҳамда жозибадор инвестицион муҳитнинг қарор топишига имкон бермас эди.

Соҳада тўпланиб қолган муаммоларни бартараф қилиш ва хориждан меҳнат кучларини жалб этиш, уларнинг мамлакатимизда эркин ҳаракатини таъминлаш ҳамда тадбиркорларга кенг йўл очиш мақсадида бу йўналиш ҳам ислоҳотлар қамровидан четда қолмаяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжатлар орқали мазкур йўналишдаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш, бугунги замон талабларига мос равишда ривожлантириш имконияти яратилди.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Энг аввало, хориждан меҳнат кучларини жалб қилиш ҳамда уларга берилган рухсатномалар муддатини узайтиришнинг замонавий механизмлари ишлаб чиқилди. Эндиликда тадбиркорлар мазкур хизматдан фойдаланиш учун исталган **(экстерриториал тамойил асосида)** Давлат хизматлари марказ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли органга мурожаат йўллаши мумкин.

Бунда хизмат кўрсатиш муддатлари ва талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ҳам кескин камайтирилди. Шунингдек, айни вақтда талабгор хизматдан фойдаланишда уни онлайн тарзда кузатиб бориш имконияти, тўловларни амалга оширишнинг замонавий усулларига эга бўлди. 2019 йил якуни бўйича жами **2 минг 254 нафар** талабгорга мана шундай тартиб асосида хориждан меҳнат кучларини жалб қилишга рухсатнома берилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Ислоҳотларга қарамай, соҳада қатор муаммолар борки, бу ҳолат хориждан меҳнат кучларини эркин жалб қилган ҳолда ҳудудларда истиқболли инвестицион лойиҳаларни самарали амалга оширишни ортга сурмоқда. Жумладан, ваколатли органнинг ахборот тизими рақамлаштирилмагани ҳамда Давлат хизматлари марказлари билан Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ўртасида ахборот алмашинуви электрон кўринишда амалга оширилмаслиги соҳада қатор ноқулайликларни юзага келтирмоқда. Бутун дунёда ахборотлар электрон шаклда алмашинаётган бир вақтда давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли органларда бундай муаммолар учраши мамлакат имижига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Юқоридаги каби ҳолатларни бартараф этиш ва аҳолига тезкор давлат хизматларини кўрсатишни таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 31 январдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилингани соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (узайтириш) ҳамда чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикасида ишлаш ҳуқуқини берадиган тасдиқномаларни бериш (узайтириш) тартибида ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилишни 2020 йил 1 сентябрга қадар, мавжуд маълумотларни рақамлаштиришни 2020 йил 1 сентябрга қадар **50 фоиз**га, 2021 йил 1 апрелга қадар эса **100 фоиз**га етказиш вазифаси қўйилди. Давлат хизматлари агентлиги ҳам мазкур чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро қилиниши учун барча имкониятларни ишга солади.

Шу билан бирга, аҳолига сифатли электрон давлат хизматларини тақдим қилиш, уларнинг вақт ва моддий сарф-харажатларини камайтириб бориш Давлат хизматлари агентлигининг пировард мақсад ва вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Сўнгги уч йил давомида мамлакатимизда илмий-маънавий, маърифий ва бунёдкорлик соҳасида амалга оширилган хайрли ва муҳим ишлар ватанимизнинг жаҳон миқёсида ўзига хос юксак ўрин эгаллашига эришишдек олижаноб мақсадга хизмат қилиши шубҳасиздир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 25 февраль, 22-сон

ҚУТЛУҒ САНА

МАНБАШУНОС ОЛИМ 80 ЁШДА

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Халқаро ислом академиясида манбашунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватовнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан тадбир ташкил этилди. Унда ҳукумат вакиллари, илм ва фан фидойилари, олимнинг ҳамкасблари, дўстлари ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбир аввалида Президентимизнинг табриги ўқиб эшиттирилди ва олим "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Мукофотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Халқаро ислом академияси ректори Рустам Қосимов топширди.

Сўзга чиққанлар Убайдулла Уватовнинг юртимиз ва жаҳон илм-фани, жумладан, тарих ва манбашунослик ривожига қўшган улкан ҳиссаси, самарали умр йўли ҳақида гапирди. Олимга кўрсатилаётган юксак эҳтиром мамлакатимиз илм аҳлига берилаётган ҳар томонлама рағбатнинг бир намунаси эканлиги таъкидланди.

Тадбирда Убайдулла Уватовнинг "Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий)" китоби тақдимоти ҳам ўтказилди.

Тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов 1940 йили 23 февралда Қашқадарё вилояти Ғузор туманида таваллуд топган. Олим 1958-1969 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсил олган. У ўз илмий фаолияти давомида 300 дан ортиқ мақола, 50 га яқин китоб ва рисола тайёрлаган. Мазкур илмий ишлар Миср, Саудия Арабистони, Россия, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон каби давлатларда нашр этилган. "Ўрта Осиё олимлари қомуси" (Тошкент, 2007), "Ўзбекистон — буюк алломалар юрти" (Тошкент, 2010), "Буюк юрт алломалари" (Тошкент, 2017) каби салмоқли тўпламлар ҳам олимнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати самарасидир.

2017 йилдан бери Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказига раҳбарлик қилиб келаётган Убайдулла Уватов "Меҳнат шуҳрати" ордени ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан тақдирланган.

Убайдулла УВАТОВ,
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори,
тарих фанлари доктори, профессор

Юртимизнинг бой ва кўҳна тарихи, қадриятларимиз, айниқса, жаҳон илм фани ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва мутафаккирларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ва илмий-маънавий меросини ўрганиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди.
Тарихан қисқа даврда бу йўналишда амалга оширилган ишлар ватанимизнинг ҳар томонлама тараққиётига хизмат қилмоқда.

ИЛМУ МАЪРИФАТ РИВОЖИДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАНМИЗ

Ўзбекистон Президенти 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташаббуси билан чиққан эди. Қувонарлиси, ташкилотнинг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида бу ташаббус асосида махсус резолюция қабул қилинди.

Яқинда Ўзбекистон Президенти Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқида юртимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга диний мактаб ва мадрасалар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилаётгани, хусусан, Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини ўзида мужассам этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси маркази қад ростлаётганини алоҳида таъкидлади.

"Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда бошқа фанлар қатори ҳадис, калом, ақида, тасаввуф, фиқҳ илмлари чуқур ўрганилмоқда.

Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент Ислом маъҳади, Ўзбекистон халқаро ислом академияси сингари олий ўқув юртларида етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Бу йил ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, ақида илмида мактаб яратган алломалар — Абу Мансур Мотуридий ва Абу Муин Насафийга бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказиш ниятидамиз. Шунингдек, улуғ аллома — насли-насаби туркиялик бўлган Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг таваллуд айёмларини, Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигини ҳам юқори савияда ўтказишни ният қилганмиз", деди Президентимиз.

Пойтахтимизда қурилиши жадаллик билан давом этаётган Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази азиз Ватанимизнинг ислом тамаддуни ривожида тутган ўрнини бутун дунё аҳлига намойиш қилишдек олижаноб вазифани бажариши мақсад қилинган.

Ҳозирги вақтда бу ерда халқимиз қўлидаги ва айрим хорижий мамлакатларга илмий экспедициялар уюштириш орқали қимматли қўлёзма асарларни излаб топиш, уларни илмий муомалага киритиш бўйича эътиборга молик ишлар бошлаб юборилди.

Ўрта асрларда (айниқса, IX–XII асрларда) юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар нафақат диний илмларда (тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом ва тасаввуф), балки табиий ва аниқ фанларда ҳам (масалан, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва ҳоказолар) улкан муваффақиятларга эришганлар, ўз асарларию таълимотлари билан жаҳон илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Тошкентда очилаётган Ислом цивилизацияси марказида мутафаккирларимизнинг мана шундай оламшумул ютуқлари дунё аҳлига, барча зиёратчиларга намойиш қилинади.

Самарқандда буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида мамлакатимизда биринчи марта Ҳадис илми маркази очилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Марказда барча шароитлар яратилган, малакали ўқитувчи, мударрислар фаолият юритяпти. Шу билан бирга, хорижий мамлакатлардан ҳам олимлар ва етук мутахассислар таклиф қилиниши кўзда тутилмоқда. Бу марказ келажакда том маънода ҳозирги замоннинг бухорийлари, термизийларини тайёрлайдиган маскан бўлади, деган умиддамиз.

Термиз шаҳрида барпо этилган Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳам Сурхон воҳасидан етишиб чиққан алломаларнинг бой илмий-маънавий меросини ҳар жиҳатдан чуқур ўрганиб, уни халқ оммасига, айниқса, ёшлар онгига сингдириш мақсадини кўзлаган. Марказ фаолияти ҳозирги давримиз учун долзарб бўлган маънавият ва маърифат масалаларига эътибор қаратишга, "жаҳолатга қарши маърифат" билан курашишга йўналтирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ғоят муҳим бир иш йўлга қўйилди — шаҳарларимизда махсус илмий мактаблар ташкил этилди. Масалан, буюк фақиҳ Бурхониддин Марғилоний (1123–1197) таваллуд топган Марғилонда фиқҳ мактаби, калом илми султони, буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий (870–944) туғилиб, фаолият кўрсатган Самарқанд шаҳрида, калом илмининг яна бир улуғ алломаси Абу Муин Насафий (1027–1114) шарафига эса Қаршида калом (ақида) мактаблари ташкил этилди. Ўрни келганда айтиш керакки, Абу Муин Насафий туғилиб ўсган Қарши шаҳри яқинидаги Қовчин қишлоғида алломанинг кўримсиз ҳолатдаги мақбараси батамом қайта қурилиб, замонавий, муҳташам ёдгорлик мажмуаси қад кўтарди. Унда кутубхона, қироатхона ва зиёратчилар учун барча шароитлар мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан, шунингдек, хорижий давлатлардан ҳам бу табаррук даргоҳга зиёратчилар келишмоқда.

Тошкент шаҳрида кейинги йилларда Сузук ота мажмуаси, Имом Термизий жомеъ масжиди, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф жомеъ масжиди (мажмуаси) бунёд этилгани ҳам бу борадаги оламшумул ишларнинг давомидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сўнгги уч йил давомида мамлакатимизда илмий-маънавий, маърифий ва бунёдкорлик соҳасида амалга оширилган хайрли ва муҳим ишлар ватанимизнинг жаҳон миқёсида ўзига хос юксак ўрин эгаллашига эришишдек олижаноб мақсадга хизмат қилиши шубҳасиздир.

СПОРТ

ПОЛВОНЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

А. ЮНУСОВ

Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида ўтган "Катта дубулға" туркумига кирувчи нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этди.

Жорий йил бошидан буён ўтган иккинчи "Катта дубулға" мусобақасида дунёнинг 120 давлатидан 718 дзюдочи, улар қаторида 15 нафар юртдошимиз ҳам турнир медаллари ҳамда "Токио — 2020" олимпиадаси йўлидаги муҳим рейтинг очколари учун гиламга чиқди.

Ҳамюртимиз Давлат Бобонов -90 килограмм вазн тоифасида Тожикистон, Қозоғистон, Грузия ва Куба вакилларини енгиб, финалда украиналик Куеджауни ippон билан мағлуб этди.

Яна бир полвонимиз Муҳаммадкарим Хуррамов -100 килограмм вазнда латвиялик Евгениюс Бородавко ҳамда францияли Седрич Оливардан сўнг мўғулистонлик Отгонбаатар Лхагвасуренни, чорак финал баҳсида озарбайжонлик Зелим Коцоевни соф ippон билан енгди. Ярим финалда Муҳаммадкарим бразилиялик Рафаэль Бузакаринига имконият бермади. Ҳал қилувчи финал баҳсида Рио олимпиадаси финалчиси, озарбайжонлик Эльмар Гасимов устидан қўшимча вақтда зафар қучди.

Турнир якунида Япония терма жамоаси медаллар жамғариш бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи бўлди. Дзюдо ватани вакиллари 8 олтин, 1 кумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритди. Грузия терма жамоаси 2 олтин, 1 кумуш ва 1 бронза медаль билан иккинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари 2 олтин медаль билан совриндорлар сафидан жой олди ва Токио олимпиадаси учун муҳим рейтинг очколарга эга бўлди. Франция ва Канада терма жамоалари кучли бешликни якунлади.

Мавлуда АСҚАРХЎЖАЕВА,
Маданият вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Шаҳрисабзда кўплаб халқлар ва мамлакатларнинг мусиқий хазинасига айланган, ўзининг теран фалсафаси, илоҳий қудрати билан минг-минглаб қалбларни мафтун этган мақом садолари янгради. Биринчи марта ўтказилган Халқаро мақом санъати анжуманининг асрий нолалари мусиқага ошуфта бўлган барча қалбларга ўзгача ёруғлик ва сурор бағишлади. Мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келмоқда.

Ҳакими ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

МАҚОМГА ЙЎҒРИЛГАН ЎЗЛИК

ИШТИРОКЧИ ЖАМОАЛАР СОНИ КЎПАЯДИ

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда Ўзбек миллий мақом санъати маркази томонидан бир қатор янги дастур ва вазифалар амалга оширилиши режалаштирилган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 26 февралдаги "II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Маданият вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишда бу йилги тадбирда хорижий мақомот оламида ёрқин ижоди билан танилган бир неча санъаткорни таклиф этиш режалаштирилгани таъкидланди. 20 та давлатда, жумладан, араб мамлакатларининг барчасида мақом йўналишидаги бадиий жамоалар мавжуд. Уларнинг энг нуфузлилари ҳам анжуманга жалб этилади.

ЁШ ИЖРОЧИЛАР СИНОВ МАЙДОНИДА

Устоз санъаткорларимиз Юнус Ражабий, Ориф Алимахсумов, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов мақомнинг илоҳий оҳанглари имонни бақувват қилишини, имонли одам эса ўз оиласи, фарзандлари ва миллатини асло сотмаслигини бот-бот такрорлаган.

Юртимизда "Шашмақом", Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақомлари, дутор ва сурнай мақом туркумлари ҳамда мақом чолғу ва ашула йўллари мавжуд. Улар ҳозирги кунда профессионал ҳамда ҳаваскор мақом ансамбллари, созанда ва хонандалар томонидан ижро этилиб, анъанавий "устоз-шогирд" мактаблари, мусиқа ўқув юртларида ўзлаштирилмоқда. Қувонарлиси, бугунги кунда ҳар бир вилоятда мақом марказлари иш бошлаган.

Маданият вазирлиги, Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳамда MY5 телеканали ҳамкорликда Юнус Ражабий номидаги "Ёш мақом ижрочилари" республика танлови ўтказилади. Унда юртимиздаги иқтидорли мақом ижрочилари ҳамда анъанавий якка чолғу ижрочилиги йўналишида ижод қилаётган ёшлар саралаб олинади. Танлов 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ижрочилар ўртасида 2020 йилнинг 21-29 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

УСТОЗЛАР МАКТАБИНИ ТАРҒИБ ЭТУВЧИ МУЗЕЙ

Устоз санъаткорлар фойдаланган чолғу асбоблари ва улар ёзиб қолдирган мусиқий меросни ўрганиш муҳим. Мақом санъати тарихий экспозициясини шакллантириш учун соҳага оид экспонатлар йиғиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Музейнинг "Мақом санъати тарихий экспозицияси" бўлимида мумтоз санъаткорларнинг ўзига хос мактаби, уларга тегишли экспонатларни жамлаш борасида ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Миллий мақом санъати марказида мақом санъати бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсад қилинган.

Мақом илми асли бир уммон. Ушбу бебаҳо мусиқий меросимизни тарғиб қилиш, илмий ўрганиш, ёш авлодларга уни асл ҳолича етказиш асосий вазифаларимиздандир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 742.
36 333 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 23:15 Топширилди — 02:10 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Навбатчи: Гулчирой Исоқова
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15